

# Тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича

(уч томонлама)

## ШАРТНОМА № SST\_2\_ST-

ID: -

Тошкент ш.

2021 йил “\_”ум на нағолизо

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431-сон билан рўйхатга олинган “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-шартнома шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Фискал институт номидан (кейинги ўринларда – Таълим муассасаси) Устав асосида ҳаракат қилувчи биринчи проректори К.Юсупов бир томондан ҳамда

(юридик ёки жисмоний шахс)

(кейинги ўринларда – Буюртмачи) номидан

(рахбарнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими)

иккинчи томондан ва \_\_\_\_ йилда туғилган

манзилда яшовчи

(абитуриент ёки талаба ёхуд уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар манзили)

(абитуриент ёки талаба ёхуд уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)

(кейинги ўринларда – Буюртмачи) учинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Фискал институт ва солик техникумлари фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 17 июндаги 377-сон қарори ҳамда Фискал институт Қабул комиссиясининг 2021 йил 07 октябрдаги 6-сонли баённомасига мувофиқ 2021/2022 ўкув йилида “60410200 – Соликлар ва соликқа тортиш” бакалавриат таълим йўналишининг сиртқи таълим шаклида ўқишининг иккинчи йилидан бошлаб ўқиши учун тўлов-шартнома асосида талабаликка тавсия этилган

(кейинги ўринларда – Таълим олувчи)ни

(абитуриент ёки талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

бакалавр мутахассиси этиб тайёрлаш тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ Таълим муассасаси Таълим олувчини мазкур шартноманинг преамбуласида кўрсатилган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича тўлов шартнома асосида ўқитиш, Таълим олувчи (Буюртмачи) эса мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўлов шартнома суммасини ўрнатилган тартибда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “60410200 – Соликлар ва соликқа тортиш” йўналишининг сиртқи таълим шаклида 2-курсдан бошлаб ўқишининг давомийлиги 4 (тўрт) йил бўлиб, 2021/2022 ўкув йилида 2-курсга қабул қилинган талаба (академик таътил, академик қарздор ва талabalар сафидан четлаштирилиш ҳолатлари бўлмагандан) 2024/2025 ўкув йилида тамомлайди.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Таълим муассасаси:

- ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим муассасалари Уставида назарда тутилган зарур шарт шароитларни яратиш;
- талаба(ўкувчи)ларга қонун билан берилган хукукларининг эркин амалга оширилишини ва таълим муассасаси Уставига мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини тъминлаш;
- мутахассисни тасдиқланган ўкув режаси ва дастурларга мувофиқ давлат таълим стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;
- бошланадиган ўкув йилида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ёки тарифлар(ўқитиш учун тўлов қиймати) ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори ҳақида хабар бериш.

### 2.2. Буюртмачи:

- ўқитиш учун тўлов ҳақини камида 50 фойзини 2021 йил 20 октябргача, колган 50 фойз қисмини 2022 йил 1 марта гача тўлаш;
- кейинги ўкув йиллари учун тўлов шартнома суммасини ўрнатилган тартибда белгиланган миқдорда амалга ошириш;
- тўловни амалга оширишда тўловнинг мақсадига қўйидагилар кўрсатилиши лозим: **Фискал институт, ш/х № 20210000204106074008, ИИН: 203509346, талабанинг исми-шарифи, шартнома рақами ва тузилган санаси;**
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорлари ёки тарифлар(ўқитиш учун тўлов қиймати) ўзгарганда, ўқишининг қолган муддати учун бир ой муддат ичida таълим муссасасига ҳақ тўлаш ва шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- таълим йўналишлари (мутахассислари) ўкув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш, диплом олди амалиёти ўтиш ва шу даврда талабани (ўкувчини) ҳақ тўланадиган штат лавозимида ишлашга шароит яратиш, келгусида иш жойи ва унинг хусусияти билан таништириш;
- Таълим олувчи (талаба) га ўқиши тутатиши билан лавозим (иш) бериш.

2.3. Таълим олувчи (талаба) таълим йўналиши(мутахассислик)нинг тегишли малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ мустакил касб-хунар фаолиятини бажаришга зарур бўлган барча билимларни эгаллаш;

- Таълим муассасасида ўқиши тутатиб

(иш муддати кўрсатилади)

Буюртмачи ва Талаба ўргасидаги юридик мажбуриятлар икки томоннинг ўзаро келушувлари асосида тартибга солинади, уни амалга ошириш учун Университет ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

Талаба таълимнинг кредит тизими асосида белгиланган қайта ўқитиш учун алоҳида шартнома расмийлаштиради ҳамда белгиланган муддат ва миқдорларда ўрнатилган тартибда тегишли тўловни амалга оширади.

### III. ЎҚИТИШ УЧУН ТЎЛОВ ҚИЙМАТИ, ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Таълим муассасаси ҳар ўкув йили учун ўқитиш қииматини мустақил белгилайди.  
 3.2. 2021/2022 ўкув йили учун ўқитиш қиимати 23.000.000 (йигирма уч миллион) сўмни ташкил этади.  
 3.3. Буюртмачи мазкур ўкув йили учун белгиланган тўлов миқдорини тўлиқ ёки қисмларга бўлиб тўлади. Бунда, шартнома пулининг камидаги 50 фоиз тўловини 2021 йил 20 октябртагача, қолган 50 фоиз қисмини 2022 йил 1 марта тагача (ойма-ой қисмларга бўлиб тўлаганда ҳам) амалга оширади.

3.4. Алоҳида ҳолатларда шартнома пулини тўлаш муддатлари Ҳукумат фармойиши ёки Таълим муассасаси раҳбариятининг қарори (буйргу)га асосан узайтирилши мумкин.

3.5. Шартнома пулини тўлаш билан боғлиқ барча харажатлар Буюртмачи томонидан қопланади.  
 3.6. Талаба Таълим муассасаси ички тартиб-коидалари ва ўкув интизомини бузганлиги, фанларни ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги), бир семестр давомида узрли сабабсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдиранлиги, ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вактида ва тўлиқ амалга ошираганлиги учун ўқишиндан четлаштирилганда илгари тўланган пуллар қайтарилиб берилмайди.

### IV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартнома куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:  
 - томонларнинг ўзаро розилиги билан;  
 - таълим муассаси уставига мувофиқ маъмурятнинг ташабbusига кўра, таълим олувчи ўқишиндан четлаштирилганда;  
 - томонлардан бирининг шартнома шартларини бажармаганида;  
 - узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташабbusига кўра;  
 - таълим муассасаси ёки ташкилот-буюртмачи тутатилганида (Ушбу ҳолда тегишли томонлар ўргасида янги шартнома расмийлаштирилади);  
 - амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

4.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

4.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига асосан жавобгар бўладилар. Томонлар ўргасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.4. Шартнома уччала томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ**

**БЮОРТМАЧИ**

**ТАЛАБА**

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
солиқ қўмитаси ҳузуридаги

**Фискал институт**

100173, Ташкент ш.

Кичик ҳалқайули 3-ий.

Телефон, факс: 71-230-90-08  
71-274-03-00

X/P 20210000204106074008

АТБ “Капитал банк”

Мирзо Улугбек филиали

МФО 01018

ИНН 203509346

ОҚЭД: 85420

(ташкилот, муассаса номи)

(Ф.И.Ш.)

Манзил:

Паспорт серияси

рақами \_\_\_\_\_

X/r:

Банк:

(Ким томонидан ва қачон берилган)

Манзил: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_ СТИР: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Имзо: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

М.ў.

Имзо: \_\_\_\_\_



Эслатма: Тўловномада талабанинг фамилияси, исми ва шарифи, шартнома рақами ва ID код кўрсатилиши шарт.